

Мовароуннаҳр ҳадис мактаблари интерактив харитада



14:30 / 06.05.2025 1160

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази томонидан Мовароуннаҳр ҳадис мактаби тарихи ҳақида маълумот берувчи лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Ушбу ташаббус доирасида Шош, Кеш, Термиз, Бухоро ва Самарқанд каби машҳур илмий марказларда шаклланган ҳадис мактаблари интерактив харита орқали тасвирланади. Харита марказ музейининг экспозициясида кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

Лойиҳа доирасида ҳар бир ҳадис мактабининг тарихи, муҳаддислар фаолияти, илмий анъаналар, асарлар ва ривоят узатиш услублари чуқур таҳлил қилинди. Шунингдек, харитада ҳар бир ҳудудда фаолият юритган машҳур муҳаддислар, хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом

Доримий, Абулайс Самарқандий каби алломаларнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида маълумотлар жойланади.

Интерактив харита замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ташриф буюрувчилар экран орқали у ердаги ҳадис мактаблари ҳақида аудио ва видео материаллар, суратлар ҳамда тарихий ҳужжатлар билан танишиб чиқишлари мумкин.